
6-давлат мактабгача таълим муассасаси учун 150 ўринли янги бино қурилмоқда

Учкўприк туманида мактабгача таълим ташкилотлари сони ва болаларни мактабгача таълимга қамраб олиш даражаси ортиб бормоқда. Мактабгача таълим масканларини кўпайтириш учун оиласвий, нодавлат ҳамда давлат-хусусий шериклик асосидаги боғчалар ташкил этилмоқда.

Туманнинг “Янгиобод” маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 6-давлат мактабгача таълим муассасаси учун икки қаватли замонавий бино қурилмоқда.

Лойиха қиймати 5 миллиард сўмдан ортиқ бўлган ушбу янги мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилгандан сўнг 150 нафар кичкинтойни бағрига олади.

Айни кунда мактабгача таълим муассасасида “Само кўрки” пурратчи ташкилоти қурувчилари томонидан пардозлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

2023-10-23 16:34:59